

## ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИДА ХАВФНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АҲАМИЯТИ

**Nazarov Abdusalom,**

teacher of the Customs Institute of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan

Ҳаво транспортида йўловчилар ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши натижасида йўловчилар учун божхона назорати вақтини камайтириш ва шу билан биргаликда, назорат самарадорлигини ошириш, шунингдек, божхона қонунчилиги бузилишини олдини олиш, фуқаролар ҳаёти ва мамлакат хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни ҳал қилишда халқаро аэропортларда хавфни бошқариш тизимини яратишга эҳтиёж сезади.

Божхона назоратини таъминлаш мақсадида хавфларни бошқариш тизимини қўллаш Жаҳон божхона ташкилоти ва Киото Конвенцияси талабларидан бири бўлиб, божхона назоратининг ушбу шакли кўплаб мамлакатлар божхона хизматлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Хавфни бошқариш тизими божхона ҳуқуқбузарликларини аниқлаш ва олдини олишда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги ахборот-технологиялари асрида шиддат билан ривожланиб бораётган бошқарувнинг замонавий тизимига эга бўлган божхона хизматини шакллантириш ҳамда уни доимий равишда такомиллаштириб боришнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бундай шароитда божхона органлари фаолиятида ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда замонавий механизмларни қўллашнинг самарадорлиги масалалари долзарб ҳисобланади.

Чегара божхона постларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, божхона назорати шаклларини соддалаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш бўйича Давлат божхона қўмитаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, қурол-яроғ, портловчи бумлар ва гиёҳвандлик воситаларининг мамлакатимиз божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ хавфнинг олдини олиш, уни камайтириш, божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситаларининг самарали божхона кўригидан ўтишини таъминлаш, божхона тартиб-қоидаларини тезлаштириш мақсадида чегара божхона постларини энг катта ҳажмдаги замонавий сканер ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизнинг “Дўстлик”, “Олот”, “Айритом”, “Сариосиё”, “Яллама”, “Навоий”, “С.Наджимов”, “Ойбек”, “Ҳожейли”, “Даут-ота”, “Галаба”, “Қорақалпоғистон” чегара ўтказиш пунктларида, “Арк булоқ” ташқи иқтисодий фаолият божхона постида замонавий сканер тизимларидан самарали фойдаланилмоқда.

Ҳозирги замон талаби сифатида ҳар бир соҳага замонавий ахборот-технологияларини татбиқ этиш ва уни ривожлантиришни айтишимиз мумкин.

Божхона соҳасида божхона назоратини соддалаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг бир қисми сифатида чегарани кесиб ўтаётган йўловчиларга ўз пойабзалларини ечмасдан назоратдан ўтишга имкон берадиган технологик ечимлар қидирилмоқда.

Чегара божхона постларида инспектор шубҳаси асосида йўловчининг пойабзали текширилиши турли ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқаради.

*Биринчидан*, гигиена қоидаларига тўғри келмайди. (Йўловчининг оёғидан ноҳуш хид келиши, ходим пойабзални ушлаб кўриш, бактериялар томонидан инфекция таҳдиди)

*Иккинчидан*, назорат жараёнини секинлаштиради ва самарадорлигини пасайтиради.

*Учинчидан*, йўловчининг турли хил эътирозига сабаб бўлади.

Халқаро аэропортларда 2001-йилдан бошлаб (2001-йилда террорчи самолётда портловчи моддаларни пойабзалларига яшириб олиб киришга урингидан сўнг) йўловчиларни назорат зонасида ўз пойабзалларини ечишга ва уларни рентген аппарати орқали сканер қилиб назоратдан ўтказиш

амалиёти жорий қилинган. Бу каби ҳолат бошқа чегара ўтказиш пунктларида ҳам содир бўлиш эҳтимоллиги мавжуд.

Ушбу тартиб яқин келажакда ўзгариши мумкин. Чунки бир неча компаниялар томонидан аллақачон пойабзал сканерлаш ускуналари ишлаб чиқилган ва амалиётда самарали қўлланилмоқда.

Масалан, Исроилнинг IDO Security фирмаси томонидан Magshoe номли металл ясси қурилма яратилган бўлиб, бутун дунё бўйлаб аэропортлар ва круиз лайнерларда юзлаб жойлаштирилди. Magshoe тизимлари Исроил, АҚШ, Италия, Испания, Швеция, Полша, Литва, Ҳиндистон, Хитой, Чехия, Кения, Андорра каби кўплаб давлатларда муваффақиятли фойдаланилиб келинмоқда. Ушбу тизимдан нафақат божхона ёки хавфсизлик идоралари томонидан балки, аэропортлар, камоқхоналар, ҳукумат иншоотлари, судлар, мактаблар, стадионларда ҳам самарали фойдаланиш мумкин [1].

Magshoe – Пойабзалга яширинган хавфга қарши курашда пойабзал ва тўпикларни текшириш учун мўлжалланган металл детектор. Назоратдан ўтказишга 1.2 - 1.6 сония кифоя қилади холос. Ушбу қурилма ихчам, кўчма, ишончли ва тўлиқ автоматик тарзда ишлайди. Оёқ кийимларни қўлда кўздан кечириш ҳолатларини олдини олади. Ушбу мосламанинг нархи интернет маълумотларига кўра 7000 АҚШ доллари атрофида (1-расмга қаранг) .



1-расм. Пойабзалга яширинган хавфга қарши кураш учун мўлжалланган металл детектор.

Пойабзал республика ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш таъқиқланган материалларни ёки буюмларни яширинча жойлаштириш учун қулай восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси чегара божхона постларида пойабзалга яширилган ҳолда товарларни олиб ўтиш ҳолатлари ўрганиб чиқилди.

2018-2020 йилларда аниқланган ҳолатлар таҳлили шуни кўрсатадики, асосан валюта, дори воситалари, заргарлик буюмлари, уяли алоқа воситаларининг пойабзалга яширилган ҳолда олиб ўтишга уриниш ҳолатлари кузатилган.

Пойабзални сканерлаш ускуналарини чегара божхона постларида амалиётга жорий этиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкин:

1. Назорат жараёнини тезлаштиради ва самарали бўлишини таъминлайди;
2. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини яхшилади;
3. Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг фуқароларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги имиджини халқаро миқёсда яхшилади;

4. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олишда ўзининг ижобий самарасини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://www.securityinfowatch.com/home/article/10559106/ido-security-to-introduce-advanced-version-of-magshoe-high-speed-shoeson-airport-security-screening-system-worldwide>
2. <https://www.americancityandcounty.com/2007/10/30/security-scanning-device-may-eliminate-shoe-removal-for-airline-passengers/>
3. <https://www.timesofisrael.com/shoe-security-system-could-provide-alternatives-to-controversial-airport-scanners/>